

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5111400 – 4.03
2016 йил “9” 01

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги



2016 йил “22” 01

ЛЕКСИКОЛОГИЯ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика
Таълим йўналиши: 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти
(инглиз тили)

Тошкент-2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | | |
|------------------|---|---|
| Матякубов Ж.И. | - | Инглиз тили лексикологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.; |
| Тўхтаходжаева З. | - | Инглиз тили лексикологияси кафедраси доценти, ф.ф.н. |

Такризчилар:

- | | | |
|----------------|---|---|
| Жўраева.И.А. | - | ЎзМУ Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик кафедраси доценти, ф.ф.н.; |
| Глазырина.С.А. | - | ЎзДЖТУ, Инглиз тили стилистика кафедраси доценти, ф.ф.н. |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг инсон омилига қаратилганлиги, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланаётган, дунё бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ – 1875 қарорининг чиқарилиши Республикамизда демократик тараққиёт, модернизация ва янгилашни борасида белгиланган мақсадларга эришишда, фан ва техниканинг ривожланишида ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун хизмат қилади.

Лексикология лингвистиканинг асосий бўлими бўлиб, у тилнинг луғат таркиби, тил бирликларининг семантик хусусиятлари, фразеологик бирикмалари, сўз яшаш усуллари, тил луғат таркибининг этимологияси, луғатшунослик, тил вариантлари, шевалари ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб, ўрганилаётган тилдаги сўзларнинг хусусиятлари ва қонуниятларини ёритиб беради.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда ҳозирги замон инглиз тили лексикасининг ривожланиш қонуниятларини очишга мос бўлим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдир. Шунингдек, фаннинг мақсади талабаларда лингвистик, лингвомаданий ва коммуникатив кўникма ва малакаларни инглиз тили луғат бойлиги орқали шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси талабаларга сўз маъноси хусусиятлари, тил луғат таркибининг асосий бирликлари, сўзнинг морфологик, лексик семантик тузилиши, сўзларнинг ясалиши, фразеологик бирикмалар, сўзларнинг келиб чиқишини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Инглиз тили лексикологияси ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

-сўз тилнинг асосий бирлиги сифатидаги таълимот, сўз ва морфема ўртасидаги фарқлар, луғат таркиби ривожланишининг асосий қонун қоидалари ва йўллари, сўзнинг лексик маъно турлари, сўзнинг лексик ва грамматик маънолари, сўзнинг асосий ва кўчма маънолари, бош ва иккинчи даражали маънолари, фразеологик бирикмаларнинг таснифини, сўзларнинг келиб чиқиши усуллари ҳақида тасаввур ва билимга эга бўлиши керак.

-сўзнинг лексик ва семантик гуруҳлари таснифи, сўз яшаш турлари, янги сўзлар яшаш йўллари билишда, сўзни морфологик ва семантик таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

-тилнинг лексикологик муаммолари тизимини назарий лойихалаш малакаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Лексикология фани асосий мутахассислик ҳисобланиб, 3 курсда ўқув режадаги бошқа умумқасбий ва ихтисослик фанлари биланбилан ўзаро боғлиқликда ўқитилади. Ушбу фан матн билан ишлаш асосида талабаларнинг лексик таҳлил малакасини оширишларига ёрдам беради. Талабаларнинг “Асосий ўрганилаётган тил”, “Тил назарияси”, “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи” фанларидан эгаллаган билимлари ушбу фанни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Лексикология фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Фан талабаларнинг луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилишларига, ҳозирги замон инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишларига ёрдам беради. Фан доирасида ўзлаштирилган билим ва кўникмалари келгуси касбий фаолиятларида муҳим аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Лексикология фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланилади. Машғулотларда аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш, коммуникатив методнинг тармоқлари бўлган – лойихалаш, масофавий таълим, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, галерея, ротация, думалок стол, кейс стади, зигзаг 1,2, интерфаол усуллардан фойдаланиш, кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликларини қўллаш назарда тутилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Лексикология фанининг мазмуни, предмети ва методи

Фаннинг мазмуни. Лексикология термини пайдо бўлиши ва ривожланиши. Лексикологиянинг бошқа фанлар билан боғланиши ва фаннинг предмети ва объекти, фаннинг методи ва ишлатиш йўллари. Лексикология фанининг бўлимлари ва унинг бошқа қисмлари билан боғлиқлиги.

Семасиология

Сўз тил луғат таркибининг асосий бирлиги сифатида. Сўзнинг морфема, сўз шакли, сўз бирикмасидан фарқли хусусиятлари. Мотивация тушунчаси. Идиоматик ва мотивация турлари: фонетик, морфологик, семантик. Маъно ва сўз маъносининг тузилиши. Инглиз, она тили ва бошқа ўрганилаётган тиллардаги ўзаро муқобил сўзларнинг семантик тузилиши. Сўз маъносининг тузилишини ўрганишда парадигматика ва синтагматиканинг роли. Контекст ва унинг турлари. Содда, туб, ясама ва қўшма сўзларнинг ўзига хос маънолари. Сўз маъноси ва унинг тузилиши. Фразеологик бирликлар маъноларининг хусусиятлари, маъно турлари таснифи. Сўзнинг лексик- семантик вариантлари. Маъно тузилишига кўра синхрон ва диахроник қарашва унинг ривожланиш қонуниятлари. Луғат бирлигини семантик гуруҳларга ажратиш. Семантик майдон. Моносемия, полисемия, гипергипонимия муаммолари. Синоним, антоним ва омонимлар муаммолари, ва уларнинг манбалари, таснифи, тилни бойитиши ва ривожланишидаги аҳамияти.

Сўзнинг морфологик тузилиши

Бир ва кўп морфемали сўзлар. Морфеманинг лексик бирлик эканлиги. Морфемалар турлари ва синфлари. Сўз негизи ва унинг турлари. Ҳозирги замон инглиз тилида сўз тузилишининг турлари. Сўз тузилишига диахроник ва синхроник қараш. Морфемалар яшаш. Морфема ва алломорфемалар. Сўз тузилишини морфемик таҳлил қилиш асослари ва уларнинг сўз яшаш таҳлилидан фарқи.

Сўз яшаш

Сўз яшаш усуллари. Сўзнинг асосий таркибий қисмлари. Сўз негизи. Ўзакнинг тузилиши ва семантикаси. Кенг ва кам тарқалган усуллар билан сўз яшаш. Лексик ном беришда сўз яшашнинг роли ва ўрни. Сўз яшаш қаторлари занжири. Олд қўшимчалар ва уларнинг турлари. Ҳар хил мезонларга асосланиб олд қўшимчаларни тасниф этиш. Ўзак олд қўшимчаларнинг семантикаси. Ярим олд қўшимчалар ёрдамида сўз яшаш. Конверсия, унинг келиб чиқиши ва асослари. Сўз яшалиш йўлини аниқлашда конверсиядаги семантик алоқалар асосий мезон эканлиги. Конверсиянинг кенг тарқалганлигини белгиловчи асосий омиллар. Конверсияни таржима қилиш муаммолари.

Қўшма сўзларнинг сўз яшашнинг кенг тарқалган йўллари билан бири эканлиги. Анъанавий ва замонавий тилшуносликда қўшма сўзларни тасниф қилиш асослари. Қўшма сўз яшашнинг ҳар хил турлари, уларнинг кенг тарқалганлиги. Қўшма сўзларни она тилига таржима қилиш йўллари.

Қисқартма сўзлар (аббревиация). Қисқартма сўзларнинг турлари. Қисқартма сўзлар (клиппинглар). Инглиз тилининг америка вариантыда кенг тарқалган қисқартма сўзлар. Қисқартма сўзларни таржима қилишдаги қийинчиликлар.

Сўз яшашнинг бошқа усуллари: сўз яшаш, кенгайтиш, товуш ва урғу кўчиши, товушга тақлид қилиш ва редупликация, грамматик шаклларнинг лексикализациялашуви ва сўз яшашда ҳар хил турларнинг бирикуви.

Фразеология

Фразеологиянинг мақсад ва вазифалари. Турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш муаммоси, уларни фарқловчи белгилар. Лексик бирикиш. Турғун бирикмалар ва уларнинг ҳар хил мезонларга асосан таснифи. Фразеологик бирликларнинг юзага келиш йўллари. Сўз ва сўз бирикмасининг ўхшашлиги ва фарқи. Фразеологик бирликлар ва уларни таржима қилиш муаммолари.

Этимология

Тил луғат таркибининг этимологик жиҳатдан таснифи. Инглиз тилида кейин пайдо бўлган ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар. Хорижий тиллардан кириб келган сўзларнинг турлари, ўзлаштирилиши, ассимиляцияси, луғат таркиби ва сўз яшаш тизимига таъсири. Байналминал сўзлар. Этимологик луғатлар.

Лексикография

Лексикографиянинг фан сифатида ривожланиши. Луғатларнинг асосий турлари: энциклопедик, лингвистик, изоҳли ва таржима луғатлари. Луғат турлари муаммоси ва уларни яратиш услублари. Луғатлар учун сўз танлаш, луғат мақолаларининг тузилиши ва бошқалар. Инглизча луғатларнинг асосий турлари: изоҳли ва таржима луғатлари, синонимлар луғати, фразеологик бирликлар луғати, этимологик, идеографик, махсус луғатлар, неологизмлар луғатлари ва бошқалар. Ўқув луғатларининг тузилиши (сўзларнинг бирикиш йўллари луғати, кўп қўлланиладиган сўзлар луғати). Турли луғатларда сўз маъноларини очиб бериш йўллари. Таржима жараёнида луғат билан ишлаш, Сўзнинг изоҳли таҳлилини ўрганиш, бошқа луғатлардаги изоҳлари билан қиёслаш.

Тил луғат таркибининг ўзгариши социолингвистик ҳодиса эканлиги. Луғат таркибининг сифат ва сон жиҳатдан ўзгариши. Луғат таркибининг лексик ва стилистик таснифи. Сўзларни ишлатилиши жиҳатидан тасниф этиш. Умумистеъмол сўзлари ва махсус лексика. Архаизмлар, историзмлар, неологизмлар, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатлардаги инглиз тилининг лексик хусусиятлари, уларнинг тарихий боғлиқлиги ва ўзаро таъсири. Асосий ва ёрдамчи сўз туркумларининг сон жиҳатидан ўзаро фарқи. Лексик номлашнинг фаоллиги ва луғат таркибининг бойиш йўллари. Сўзнинг маъно тараққиёти ривожини, бошқа тиллардан кирган сўзлар қатлами.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Лексикологиянинг мақсади ва вазифалари.
2. Семасиология: Сўзларнинг фонетик ва семантик аспекти. Контекст турлари, маънонинг турлари ва сўзнинг лексик-семантик вариантлари, семантик майдон. Моносемия, полисемия, гипер-гипонимия муаммолари. Синоним, антоним ва омонимлар ва уларнинг таснифи.
3. Сўзнинг морфологик қурилиши: морфемалар типлари ва синфлари. Сўз тузилишидаги диахроник ва синхроник қараш. Морфема ва алломорфемалар.

4. Сўз яшаш: лексик ном беришда сўз яшашнинг роли ва ўрни. Конверсия, унинг келиб чиқиши ва асослари. Қўшма сўзларни она тилига таржима қилишнинг йўллари. Қисқартма сўзлар.
5. Фразеология: турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш муаммоси. Уларни фарқловчи белгилар. Фразеологик бирликлар ва уларни таржима қилиш муаммолари.
- 6.Этимология: инглиз тилида пайдо бўлган сўзлар ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ва уларнинг турлари, ўзлаштирилиши, ассимиляция, интернационал сўзлар ва этимологик дублетлар.
7. Лексикография: инглиз тили луғат таркибининг умумий таснифи, асосий турлари, ўқув луғатларининг тузилиши, сўз маъноларини очиб бериш йўллари ва таржима жараёнида луғат билан ишлаш.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича такдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Лексикология фанидан курс иши муаяйн мавзу бўйича умумий яхлитликка эга илмий-амалий фикрларни акс эттирувчи иш ҳисобланади. Курс иши мавзунинг долзарблиги ва эришилган натижаларнинг амалиётга татбиқи, унинг услубий даражаси ҳамда расмийлаштирилишига қараб баҳоланади. Курс ишини бажаришнинг муҳим босқичи режада белгиланган саволлар ёритилишида ўзаро назарий ва амалий алоқадорликни таъминлашдир. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри шакллантириш талабага унинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш ҳамда кўзланган натижага эришиш йўллари, шунингдек, курс ишини тайёрлаш босқичларини кетма-кет бажаришга имкон яратади. Курс иши талабанинг салоҳияти ҳамда фан бўйича чуқур билим ва амалий кўникмага эгаллигини намоён қилади. Курс ишида ўрганиладиган масалаларнинг назарий жиҳатлари, аниқланган муаммолар, қўйилган вазифаларни таҳлил қилиш ҳамда

муаммоларни ҳал этишни кўзлаган ҳолда режа тузилади ва шу асосида бажарилади.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- муаммони библиографик таҳлил қилиш;
- тўпланган материалларни танқидий ўрганиш;
- таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;
- фикрни кетма-кетликда, муаян изчилликда баён қилиш;
- курс ишини қўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

Курс ишларининг намунавий мавзулари

1. Semantic field as a subject of lexicological research.
2. Types and semantic peculiarities of Latin borrowings in English.
3. The characteristics of the verb formation of English in comparison with Uzbek.
4. Idiomaticity in phraseology and its peculiarities in English and Russian //Uzbek.
5. English word formation means for expressing the category of “thedoer of the action”.
6. Functional and semantic characteristics of constructions belonging to the type “to give asmile”.
7. The analysis of the structure of the English words in diachronic and synchronic aspects.
8. Etymological and semantic features of English proper names.
9. Lexical and semantic features of newspaper neologisms in Modern English.
10. Main types of collocations in English (based on belles-lettres text material).
11. Semantic peculiarities of compound words in the context.
12. Polysemantic words and the problem of synonymy.
13. The “A-prefixed” words and their usage in texts.
14. Lexical-semantic features of the words denoting “Universe” in English.
15. Peculiarities of dialectical words in British /American English.
16. Structural and semantic features of vulgarisms in English.
17. Stylistic aspects of word-formation means in Modern English.
18. American Lexicography: history, problems, solutions.
19. The peculiarities of the emotive vocabulary in English.
20. Lexical and stylistic analiysis of the thematic group “beauty” in English etymological aspect.
21. Lexical and stylistic analiysis of the lexical field of the word denoting “size”
22. Conceptual analysis of the lexicalfield denoting «personalaffections»ю
23. Semantic field of “money” in English/RussianUzbek.
24. Means of expressing the consept “nature” in English.
25. Conversion as a word-formation means in English and its correlation in Uzbek.
26. The consept of “friendship” and its perception in English and Rusian/ uzbek.

27. Semantic analysis of the lexical field of the word denoting “wisdom” in English/Russian Uzbek.
28. Lexical and stylistic analysis of the lexical field of the words denoting “education”.
29. Historical significance of non-productive types of word-formation.
30. Lexical and stylistic analysis of the words “season” in English and Uzbek

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Маъруза ва семинар машғулотларга ажратилган соатларнинг чегараланганлигини ҳисобга олиб, баъзи мавзулар талабаларга мустақил иш тарзида ҳавола этилади. Мустақил ишлар доимий назорат остида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мустақил ишларнинг натижалари мавзу бўйича презентация (Power Point), реферат, маъруза, конспект, дебат (ёки round-table discussion) шаклида расмийлаштирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Лексикология ва тил.
2. Сўзларнинг фонетик ва аналитик аспекти.
3. Сўз маъносининг тузилишини ўрганишда парадигматика ва синтагматиканинг роли.
4. Маънонинг турлари ва сўзнинг лексик – семантик маънолари.
5. Синоним, антоним ва омонимлар.
6. Сўзнинг морфологик қурилиши.
7. Турғун ва эркин бирикмалар.
8. Сўз бирикмасининг ўхшашлиги ва фарқи.
9. Луғат таркибининг сифат ва сон жиҳатлари.
10. Лексик номланишнинг фаоллиги ва луғат таркибининг бойиш усуллари.
11. Тил луғат таркибининг этимологик жиҳатдан таснифи.
12. Сўзларнинг этимологияси.

Дастурнинг инфор­мацион –услугий таъминоти

Лексикология фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш назарда тутилади. Жумладан,

- интерфаол усуллар;
- услубий усуллар;
- услубий дифференция;
- фонографик ва морфологик даражанинг услубий усуллари ва маърузани янги лойиҳа бўйича ўқитиш усуллари­дан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Мўминов А. English Lexicology. Т.2006
2. Гинсбург. Р.Й., Хидекил.С.С.,Князева.Г.Й.,Санкин.А.А.; A course in Modern English Lexicology «М»1979й
3. Арнолд.И.В. The English Word «М»1986й
4. Антрушина.Г.Б. Лексикология английского языка «М.,Дрофа»2006

Қўшимча адабиётлар:

1. Kunin G. Historical changes and English word-formation: New vocabulary items.- N.Y., 1986
2. Lewis N. Instant Word Power. N.Y.,1981
3. Shread Dr.A. The words we use. Andre Deutch. L, 1981

Интернет сайтлари:

1. <http://www.britishcouncil.org>
2. <http://www.bbc>
3. <http://encyclopedia.farlex.com>

